# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 16 май, № 95 (8718) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# «COCA-COLA» КОМПАНИЯСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни «Coca-Cola» компанияси раиси ва бош директори Жеймс Куинсини қабул қилди. Учрашувда «Anadolu Group» компанияси раиси Тунжай Ўзилхон ҳам иштирок этди.**





"Coca-Cola" алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик компаниялардан бири бўлиб, фаолияти 200 дан ортиқ мамлакатлар бозорини қамраб олади, 200 дан зиёд бренд ва 950 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарига эга.

Компаниянинг Ўзбекистондаги эксклюзив ҳамкори — "Coca-Cola Içecek" Туркиянинг "Anadolu Group" таркибига киради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда компаниянинг Тошкент, Урганч ва Наманган вилоятидаги 3 та заводи фаолият юритмоқда.

Учрашувда озиқ-овқат соҳасидаги, шу жумладан, "яшил" ечимларни, энергия ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича ҳамкорликнинг ижобий суръати қайд этилди. Куни кеча Самарқанд вилоятида янги корхона ишга туширилди. 2025 йилда Наманган вилоятида бешинчи завод фойдаланишга топширилади.

Инновацион фаолият ва тадқиқотларни ривожлантириш, муҳандислар ва соҳа мутахассисларини тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Инвестиция дастурини янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш юзасидан келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари истиқболли лойиҳаларни жадаллик билан амалга ошириш бўйича алоҳида "Йўл харитаси"ни қабул қилишни топширди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЗАМОНАВИЙ ХАТАР ВА ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**15 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайтганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш масалалари бўйича Минтақавий экспертлар кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Бош котибининг ўринбосари — Терроризмга қарши кураш бошқармаси раҳбари Владимир Воронковни қабул қилди.**

Учрашув аввалида Владимир Воронков давлатимиз раҳбарига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистоннинг БМТ институтлари ва тузилмалари билан, энг аввало, терроризм ва бошқа трансмиллий хатар ва таҳдидларга қарши кураш соҳасидаги амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Терроризмга қарши кураш бошқармаси фаолиятини қўллаб-қувватлагани учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Владимир Воронков Минтақавий экспертлар кенгашини ташкил этиш ташаббуси амалга оширилгани учун Ўзбекистон томонига алоҳида ташаккур билдирди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ушбу ноёб механизмнинг биринчи йиғилиши муваффақиятли якунланганини таъкидланди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари, шунингдек, Ўзбекистоннинг можаролар ҳудудларидан фуқароларни қайтариш, уларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта интеграция қилиш, жумладан, бунда маҳалла институтининг кенг имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланиш бўйича саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Ўзбекистон ва БМТ Терроризмга қарши кураш бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишларини назарда тутувчи 2024-2025 йилларга мўлжалланган янгиланган "Йўл харитаси" имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Ёшларни экстремизм ва терроризм ғояларининг бузғунчи таъсиридан ҳимоя қилиш, кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва БМТ институтларида ёш мутахассислар учун стажировкалар ташкил этишга қаратилган қўшма тадбирларни ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистон масаласи юзасидан фикр алмашилди. Бу мамлакатдаги вазиятга халқаро эътиборни кучайтириш, афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

Мулоқот

## ҚИЗҒИН МУЗОКАРАЛАР, КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги таклифига асосан Самарқанд шаҳрида ташкил этилган "Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув" мавзуидаги Осиё хотин-қизлари форуми юқори савияда бўлиб ўтди. Унинг доирасида парламентимиз юқори палатаси Раиси қатор нуфузли меҳмонлар билан учрашувлар ўтказди.*

Хусусан, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котиби ўринбосари, "БМТ-Аёллар" тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус билан учрашди.

Учрашувда "БМТ-Аёллар" тузилмаси билан ҳамкорликда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг амалий натижаларига эътибор қаратилди.

С. Бахус хоним Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида билдирган таклифлари асосида ўтказилган Осиё хотин-қизлари форуми юқори савияда ташкил қилинганини таъкидлади ва уни ҳар икки йилда Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари, уларнинг тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланаётгани, бу йўналишда аёлларга кенг кўламли имтиёзлар яратиб берилаётгани таҳсинга лойиқ экани қайд этилди.

➡ 2

Парламент дипломатияси

### Ўзбекистон — Тожикистон:

## ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли Раисининг ўринбосари Мавсума Муини бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.*

13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Осиё хотин-қизлари форуми доирасида мамлакатимизда бўлиб турган делегация раҳбари М. Муини самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Тожикистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга сафари самарали ўтаётганини таъкидлади.

Делегация раҳбари сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар билан таъминланишини кафолатлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди.

— Самарқанд шаҳрида юксак савияда ташкил этилган форум нафақат Тожикистон ва Ўзбекистон сингари Марказий Осиё давлатлари, балки бутун Осиё мамлакатларидаги етакчи аёлларнинг бир майдонда тўпланиши ҳамда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишдаги илғор тажрибалар алмашинилишида муҳим платформа вазифасини ўтади, — деди М. Муини ўз сўзида. — Форум давомида биз Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, раҳбарлик қобилиятини ва тадбиркорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, уларга замонавий билим бериш масалалари тизимли ҳал қилинаётганига гувоҳ бўлдик.

➡ 2-3




## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ИШОНЧЛИ МАМЛАКАТ

*Ҳар қандай ишга киришиш учун, аввало, молиявий асос даркор. Бизнес-ғоя ёки лойиҳа режаси қанчалик пухта ўйланган ва ҳисоб-китоб қилинган бўлмасин, у молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмас экан, қоғозда қолиб кетаверади.*

*Бу қоида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари асосида олиб борилаётган янгиланиш жараёнларига ҳам тааллуқли. Белгиланган мақсадларга эришишда зарур капитал қўйилмалар иқтисодиёт ва инфратузилмани жадал суръатлар билан модернизация қилиш имконини бермоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун энг муҳим захира манбаи бўлмиш инвестицияларга алоҳида эътибор қаратади.*

*Инвестицияларни кўпчилик мутахассислар иқтисодиётнинг қон томири, дея бежиз айтмайди. Шу фикрни давом эттирган ҳолда яқинда бўлиб ўтган III Тошкент халқаро инвестиция форумини ҳам, таъбир жоиз бўлса, бир маромда ураётган юракка ўхшатиш мумкин. Ушбу тадбир 93 давлатдан 2,5 мингдан ортиқ иштирокчиларни жамлади. Форумда жами 26,6 миллиард долларлик шартномалар имзоланди. Таққослаш учун, 2022 йилда бу кўрсаткич 11 миллиард долларни ташкил этганди. Айни рақамларнинг ўзи ҳам мамлакатимизга сармоявий қизиқиш ортганидан далолат беради.*

### Мушоҳада

### Аниқ устуворликлар, муайян таклифлар

Тошкент халқаро инвестиция форуми сингари тадбирлар кўп мамлакатларда ўтказилади. Лекин ҳаммасида ҳам давлатнинг биринчи раҳбари қатнашмайди ва сўзга чиқмайди. Шу боис Шавкат Мирзиёевнинг нутқи хорижий сармоядорлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар буни алоҳида ҳурмат ва меҳмондўстлик белгиси, деб қабул қилди. Бунинг устига ишбилармон доиралар вакиллари вақт қадрини жуда яхши билгани ҳолда олий мартабали раҳбар кундалик ўта муҳим ишларидан ортиб уларга ҳам вақт ажратгани, эътибор қаратгани туфайли жуда миннатдор бўлишди. Инвесторлар керакли маълумотни мамлакат Президентининг нутқидан олиши улар учун тўлиқ ишонч кафолати сифатида муҳим.

Ушбу нуфузли тадбир иштирокчилари эътироф этганидек, Ўзбекистон раҳбарининг чиқиши уларда катта таассурот қолдирди.

***Биринчидан***, Тошкент халқаро инвестиция форуми яхши анъанага айланиб бораётгани ва ҳар йили барча қитъадан янги-янги ҳамкорларни мамлакатимизга тўплаётганини эътироф этар экан, давлатимиз раҳбари бугунги анжуман глобал геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланиш йўлида хавф ва таҳдидлар кучайиб бораётган даврга тўғри келаётганини ҳам айтиб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти сўзларига кўра товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги узилишлар, халқаро савдонинг пасайиши, инвестиция оқимларининг камайиши, иқлим офатларининг кучайиши вазият нақадар беқарор ва қалтис эканини яққол кўрсатмоқда. Шундай экан, ҳеч бир давлат замонавий дунёнинг бундай ўткир муаммолари билан якка ҳолда кураша олмайди. Ва ҳар бир мамлакат учун хорижий инвестициялар оқими алоҳида аҳамият касб этади. Инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар эса кутилган умидларни оқламаяпти — ўтган йили ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайди.

➡ 2-3

# ҚИЗҒИН МУЗОКАРАЛАР, КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР

Ўз навбатида, меҳмон Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқотини йўлга қўйишдаги ташаббусини, шунингдек, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг барча аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги самарали фаолиятини юқори баҳолади.

Томонлар Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ҳамда "БМТ-Аёллар" тузилмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаш масаласини кўриб чиқиш ҳамда қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тарафдори эканлигини билдирдилар.

"БМТ-Аёллар" тузилмасининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ташаббусларни амалга оширишда кўмаклашишга тайёрлиги маълум қилинди.

Мамлакатимизда "БМТ-Аёллар" тузилмасининг ваколатхонасини очиш масаласи ҳам диққат марказида бўлди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Дўстона ва конструктив руҳда ўтган учрашувда тизимли мулоқотни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Миср Араб Республикаси парламенти Сенати Раиси ўринбосари Фиби Фавзи Гиргис билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Миср ҳамкорлигининг кенг доираси, шу жумладан, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат жараёнида томонлар форумда кўтарилган масалалар, хусусан, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини ва инновацион фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш бўйича тажриба алмашиш лозимлигини алоҳида қайд этдилар. Айниқса, бунда қишлоқ жойлардаги аёлларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигига урғу берилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишда парламентлар имкониятидан фойдаланишга келишиб олинди.

* * *

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Осиё хотин-қизлари форуми доирасида Туркия Республикасининг оила ва ижтимоий хизматлар вазири Маҳинур Ўздемир Гўкташ билан музокара ўтказди.

Суҳбат аввалида томонлар Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч асосида ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этдилар.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оила масалаларида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мавзуларида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Туркия Республикасининг Оила ва ижтимоий хизматлар вазирлиги ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, мулоқот давомида ҳамкорлик муносабатларини келгусида амалий ҳаракатлар билан янада бойитишга йўналтирилган режалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Самарқанд шаҳрида Қозоғистон Парламенти Сенати Раиси ўринбосари Ольга Перепечина ҳамда Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси ўринбосари Дания Еспаева билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори даражага кўтарилгани ҳамда барча соҳадаги алоқалар жадал ривожланаётгани алоҳида қайд этилди.

Айни чоғда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти минтақавий платформаси ишини янада фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Қозоғистон бизнес доиралари, хусусан, ишбилармон хотин-қизлар ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Тадбиркор аёллар форумини ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўз навбатида, ҳар иккала лойиҳа муваффақиятли амалга оширилиши учун парламентлар ўзига хос кўприк вазифасини ўташи лозимлиги таъкидланди.

* * *

Осиё хотин-қизлари форуми доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қатар Давлати Маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Ҳамда бинт Ҳасан ал-Сулайтий хонимни қабул қилди.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва шериклик алоқалари жадал ривожланиб бораётганини, хусусан, мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар йўлга қўйилганини эътироф этишди. Дипломатик алоқалар янги босқичга кўтарилиб, мамлакатимизда Қатар элчихонаси, Доҳада эса Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхонаси очилгани икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очди.

Мулоқот давомида икки давлатнинг парламентлараро муносабатларига эътибор қаратилиб, парламентлараро гуруҳлар ва тегишли қўмиталар ўртасидаги мулоқотни фаол давом эттириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, учрашувда икки давлат парламентлари вакиллари халқаро ташкилотлар доирасида ҳамда икки томонлама муносабатларнинг бошқа йўналишларида янада фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

* * *

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Осиё хотин-қизлари форуми доирасида Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли Раиси ўринбосари Мавсума Муини билан учрашув ўтказди.

Учрашувда томонлар дўстона ва самимий руҳдаги икки давлат ҳамкорлиги натижасида кўплаб соҳалар жадал ривожланаётгани, айниқса, парламентлараро алоқалар янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шу билан бирга, Мавсума Муини Ўзбекистон ташаббуси билан илк маротаба ташкил этилган Осиё хотин-қизлари форумининг аҳамияти ва унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини таъкидлаб, албатта, ушбу форумда муҳокама қилинган масалалар барча давлатлар учун самарали ечимларни ишлаб чиқишда дастуриламал бўлишига ишонч билдирди.

Бундан ташқари, томонлар икки халқнинг анъаналари, урф-одатлари ўхшашлигидан келиб чиқиб, маданий ҳамкорликни ривожлантиришга эътибор қаратдилар. Бу, ўз навбатида, ўзбек ва тожик халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришда муҳим восита бўлиши алоҳида қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН —

Шунга қарамай, Ўзбекистон етакчиси қайд этганидек, кейинги етти-саккиз йил давомида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланди. Натижада Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳада муайян ютуқларга эришди.

Ушбу фикрлар тасдиғи сифатида Президент бир қатор далил ва рақамларни келтирди. Яъни сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичлари муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Бунга эса қатор омиллар туфайли эришилди. Жумладан, охирги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди. Ўтган йилнинг ўзида хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва саноат лойиҳалари ишга туширилди.

***Иккинчидан***, ушбу сўзлар Президентимиз томонидан самимий ва тўлиқ масъулият билан айтилди. Улар салоҳиятли сармоядорлар учун аниқ чақириқ бўлди. Зеро, кўпгина мамлакатларнинг миллий иқтисодиётида кейинги йилларда муайян қийинчиликлар юзага келганига қарамай Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсишни намоён этмоқда ва инвестициявий жозибадорлигини сақлаб қолмоқда. Демак, агар сармоядор ўзининг маблағлари "ишлаб", даромад келтиришини хоҳласа у бизнинг мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиши, ўзининг маблағини киритиши мумкин ва лозим.

Бундай қўйилмалар учун шарт-шароитлар ҳам доимий равишда такомиллаштирилиб, яхшиланиб бормоқда. Масалан, давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, энди хорижий инвесторлар уч йил муддатга акциялардан оладиган дивидендлари бўйича солиқлардан озод этилади.

Президент алоҳида қайд этганидек, асосий мақсад — Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантириш. Шу мақсадда давлат бозор муносабатларини ривожлантиришни, инвесторлар ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олади. Бу тамойиллар янги таҳрирдаги Конституциямизда қатъий муҳрлаб қўйилган.

Тошкент халқаро инвестиция форуми иштирокчилари учун инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бир қатор аниқ таклифлар ҳам тақдим этилди. Хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти тартиб-қоидалари ва стандартларига мувофиқ янги таҳрирдаги "Инвестициялар тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш, Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳузурида Халқаро тижорат суди фаолиятини ташкил этиш, саноат зоналари тизимида мутлақо янгича ёндашувларни жорий қилиш ва уларни бошқаришда хусусий операторлар, жумладан, юқори малакали хорижий компанияларни фаол жалб этиш, махсус иқтисодий зоналар фаолият муддатлари бўйича чекловларни бекор қилиш, хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддатини амалдаги имтиёз ва преференцияларни тўлиқ сақлаб қолган ҳолда 25 йилдан 49 йилгача узайтириш кўзда тутилган.

Шу ва бошқа таклифлар Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидан кейинги кун бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиш — Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлисида батафсил муҳокама этилди. Уларнинг рўёбга чиқарилиши эса, шубҳасиз, инвесторларни Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга рағбатлантиради.

***Учинчидан***, турли мамлакатлардан келган анжуман қатнашчилари эътироф этишича, Ўзбекистон Президенти нутқида мамлакатнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ ривожланиб боришининг асосий йўналишлари ҳамда инвесторлар куч ва маблағлари жалб қилиниши бўйича асосий устуворликлар аниқ белгилаб берилди.

Давлат раҳбари мамлакатнинг истиқболдаги тараққиёти учун жуда муҳим бўлган бешта устувор йўналишга тўхталиб ўтди. Инвесторлар томонидан билдирилаётган қизиқиш эса уларнинг сармоя киритиш нуқтаи назаридан жозибадорлигини кўрсатиб турибди.

***Биринчи йўналиш*** — "яшил" энергетика. Бу соҳада аллақачон хорижий сармоядорлар фаол иш олиб бормоқда. Масалан, ўтган йилнинг ўзида стратегик ҳамкорлар — "Masdar", "Gezhouba", "ChinaEnergy" компаниялари томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан йирик шамол энергияси станциялари ва қуввати 1,4 гигаватт бўлган қуёш электр станциялари ишга туширилди. "ACWA Power" компанияси билан ҳамкорликда эса "яшил водород" ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Яна ўттизга яқин лойиҳалар рўёбга чиқарилиш арафасида. Уларни бажаришга кўплаб сармоядорлар бош қўшган. Шундай бўлса-да, сармоя киритиб, ундан фойда олиш имконияти бошқа инвесторларда ҳам бор. Ахир Ўзбекистонда 2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

***Иккинчи йўналиш*** ҳам хорижий инвесторлар учун жозибадор бўлиб, у банк-молия соҳасидир. Бунда кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб хусусий банклар, хорижий банкларнинг филиаллари ва қатор рақамли банклар очилганига қарамай, шу соҳада фаолият юритадиган инвесторлар учун кенг имкониятлар мавжуд. Хусусан, форум доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири бўлган "Асака" банкини хусусийлаштириш бўйича битим имзоланди. Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки билан бошқа йирик банкларимизнинг трансформацияси ва хусусийлаштириш жараёнлари фаол олиб борилмоқда.

***Учинчи йўналиш:*** кўпгина хорижий сармоядорлар мамлакатимизнинг фойдали қазилмаларига катта қизиқиш билдиришади. Ўзбекистон — минерал ресурслар ва муҳим металларнинг катта базасига эга мамлакат. Юртимизда олтин, мис, вольфрам, кумуш, уран конлари бор. Яна, Президентимиз эътибор қаратганидек, заминимизда ноёб минераллар билан бир қаторда литий, магний, молибден, германий, ванадий ва индий каби 30 дан ортиқ камёб металларнинг захиралари мавжуд. Яқинда Европа Иттифоқи билан ўта муҳим хомашё соҳасида стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Президентимиз Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия билан ҳам шундай битим устида иш олиб борилаётганини эълон қилди ҳамда стратегик хомашёларни чуқур қайта ишлаш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш учун етакчи компанияларни Ўзбекистонга таклиф этди.



> ***Президент алоҳида қайд этганидек, асосий мақсад — Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантириш. Шу мақсадда давлат бозор муносабатларини ривожлантиришни, инвесторлар ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олади. Бу тамойиллар янги таҳрирдаги Конституциямизда қатъий муҳрлаб қўйилган.***

***Тўртинчи йўналиш:*** хорижий инвесторлар мамлакатимизнинг рақамли трансформациясида ҳам кўмаклашиши мумкин. Бу йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бир йилда IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти икки баробар ошди. Келажакда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш режа қилинган. Шу боис хорижий компанияларни жалб этиш учун IT-парк базасида Рақамли технологиялар халқаро маркази ташкил қилинмоқда. Саудия Арабистонининг "Data Volt" компанияси билан ҳамкорликда "яшил" энергияда ишловчи Маълумотлар маркази барпо этиляпти. Бу Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётга ўтиши, сунъий интеллект технологияларини жорий қилиши учун кучли туртки бўлиши лозим.

***Бешинчи йўналиш*** сифатида Ўзбекистон Президенти ўз нутқида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Темир йўл транспортини такомиллаштириш, автомобиль ва тезюрар поездлар учун темир йўлларни қуриш бўйича қўшма лойиҳалар, Тошкент, Бухоро ва Урганчдаги халқаро аэропортларни ривожлантириш, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлларини қуриш жуда катта миқдордаги маблағни талаб қилади. Шу боис Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказига айлантириш бўйича стратегик лойиҳаларга инвестиция киритиш фойдали бўлиши лозим.

Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида яна бир бор таъкидладики, инвестициялар — бу мамлакатимиз трансформациясининг локомотиви ва иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам драйверидир. Ҳар бир ташаббус ва лойиҳани рўёбга чиқаришда сармоядорларга давлатимиз, ҳукуматимиз аъзолари яқиндан кўмак беради.

— Йирик корпорациялар ва халқаро ташкилотлар сармоя киритиш учун Ўзбекистонга ташриф буюраётганини кўргач, англайсизки, бу мамлакатда ишлар тўғри йўлга қўйилган, — дея таассуротини баён қилади Саудия Арабистонининг "Vision Invest" инвестиция компанияси президенти Омар Ал-Мидани. — Ўзбекистонга қадам қўйиш асносида олдинда мени нималар кутаётганини билмасдим, зеро, аввалари бу ерда ҳеч бўлмаганман. Барчасини ўз кўзим билан кўргач, ҳайрон қолдим: Ўзбекистон бундай меҳмондўст халқ яшайдиган гўзал мамлакат эканини тасаввур қилмаган эдим. Шу қадар саришта ва хавфсиз. Шаҳар бўйлаб сайр қилар экансиз, маҳаллий маданиятни идрок этиб, уни қадрлай бошлайсиз.

Шунингдек, мамлакат узоқни кўзлаб бошқарилаётганига тушунасиз. Мақсадга элтувчи йўналишлар аниқ. Раҳбарият ва вазирлар билан суҳбатлашган кўйи хулоса ясайсиз: улар айнан сиз кутган, сизга ишонч бағишлаган шериклар. Улар ўз мамлакатида нималар қилиш зарурлигини тушунадиганлар тоифасидан.

## Хайрли мақсадлар учун миллиардлар

Форум иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг нутқида эшитганларидан ташқари, Шавкат Мирзиёевнинг ўзи билан бўлган учрашувларда аниқ далиллар билан янада батафсилроқ танишди. Бундай учрашувлар хорижий сармоядорларни жалб этиш ишида яна ҳам муҳим роль ўйнайди. Негаки, улар давлатнинг биринчи раҳбари билан мулоқотни ҳам ўзларининг фаолиятига

Сенат қўмитасида

# МАРКАЗИЙ БАНК ҲИСОБОТИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг кеча ўтказилган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

Марказий банк 2023 йилдаги фаолиятини ҳозирда кузатиб келинаётган ташқи иқтисодий нобарқарорлик фонида глобал иқтисодиётда янги рисклар вужудга келаётган ва банк тизими молиявий барқарорлигига таъсири ортиб бораётган бир шароитда амалга оширгани алоҳида қайд этилди.

Ушбу мураккаб макроиқтисодий жараёнларнинг нархлар ва банк тизими барқарорлигига таъсирини юмшатиш мақсадида Марказий банк томонидан ўзаро мувофиқлашган пул-кредит ҳамда макропруденциал сиёсат амалга оширилди.

Инфляцион кутилмаларнинг ўзгарувчанлиги юқори бўлганлиги сабабли Марказий банк 2023 йилда қатъий пул-кредит шароитларини сақлаб қолган.

Марказий банк томонидан ҳисобот даврида уддаланган пул-кредит соҳасидаги ушбу чора-тадбирлар инфляция даражасининг юқори суръатда ўсишини жиловлаш имконини бериб, 2023 йил якуни бўйича инфляция даражаси 8,8 фоиз атрофида шаклланган. Бунда базавий инфляция кўрсаткичи 2023 йил давомида 5,3 фоиз бандга пасайиб, 8,5 фоизни ташкил этди.

Ўтган йилнинг I чорагидан бошлаб инфляция даражасининг пасайиш тенденциясига ўтганлиги сабабли 2023 йил март ойидан асосий ставка 15 фоиздан 14 фоизга пасайтирилган.

Шунингдек, 2023 йил давомида 251,4 трлн. сўм ёки 2022 йилдагига нисбатан қарийб 24 фоизга кўп кредит маблағи ажратилди. Бу кредит маблағларидан 160 трлн. сўмлик қисми тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва 581 мингдан ортиқ лойиҳаларга йўналтирилган.

Аҳолининг банк карталаридан пул маблағларининг фирибгарлик йўли билан ечилиши каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган хавфсизлик чоралари ҳам кучайтириб борилди.

Тадбир давомида Марказий банкнинг 2024 йилги фаолиятида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларга эътибор қаратилди ҳамда Сенатнинг галдаги ялпи мажлиси муҳокамасига мазкур масалани киритишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон — Тожикистон:

# ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Қолаверса, форум доирасида Ўзбекистон парламенти вакиллари билан ўтказилган икки томонлама ҳамкорлик учрашувлари парламентлараро алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқишига ишонамиз.

Учрашувда қайд этилганидек, яқинда Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга ташрифи доирасида мамлакат Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли Раиси Маҳмадтоир Зокирзода билан учрашувида парламентлараро алмашинувни янада фаоллаштириш, кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар дастурларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун соҳавий қўмиталар ва ҳудудий кенгашлар даражасида самарали алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинган эди. Форум доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган мазкур учрашув икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш, истиқболдаги режаларни биргаликда муҳокама қилиш имконини бергани таъкидланди.

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги таҳрирдаги Конституцияни ҳаётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда қуйи палата



фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси Спикери Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларга тўхталиб, икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган муносабатлари ва қатъий сиёсий иродаси туфайли қардошлик ришталари ривожида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилгани, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойидаги Тожикистон Республикасига ташрифи чоғида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги битимнинг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Учрашувда сўз олган Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Абдужаббор Раҳмонзода биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан иқтисодиёт, савдо, транспорт-коммуникация, энергетика ва тиббиёт соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганини эътироф этди. Шу кунларда Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган энергетика ҳафталигида Тожикистон томонининг иштирок этаётгани, қолаверса, шу йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Онкоурология бўйича Евроосиё иккинчи форумида ҳам Тожикистоннинг 51 нафар соҳа шифокори қатнашгани барча йўналишда ўрнатилган ўзаро муносабатларнинг янада яқинлашганидан далолат эканини таъкидлади.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда Ўзбекистон — Тожикистон парламентлари ўртасидаги дўстлик гуруҳлари ва тегишли қўмиталарнинг мунтазам йиғилишларини ўтказиш орқали парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш, ҳужжатларни хатловдан ўтказишда депутатлик корпусининг ролини ошириш, делегациялар алмашуви ҳамда норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида томонлар халқаро парламент ташкилотлари доирасида, айниқса, гендер тенглик, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим ва ёшлар сиёсати каби масалаларда ўзаро қўллаб-қувватлаш ва амалий ҳамкорликни ҳар томонлама давом эттиришга келишиб олди.

* * *

Мазкур учрашувдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси ҳамда Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли ўртасида тузилган дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада жадаллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама алоқаларда эришилган муайян натижалар эътироф қилинар экан, ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятлар кўплиги қайд этилди.

Музокаралар якунида икки давлат ўртасидаги муносабат ва амалий ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашда парламентлар имкониятларидан кенг фойдаланишга келишиб олинди.

**Ўзбекистон ва Кипр ТИВ раҳбарлари дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод қилиш бўйича битимни имзолади.**

# Санъатимизнинг сўнмас юлдузи

*Ўзбек халқининг инсоният осмонини чароғон этиб турган юлдузлари кўп. Шулардан бири — Ботир Зокиров. Хонанда куйлаган ўлмас тароналар унинг номини мангуликка муҳрлагани рост. Шу боис юртимизда у катта ҳурмат-эҳтиром билан эсланади. Айниқса, охирги йилларда унга давлат даражасида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.*

## Соғинч

Хусусан, 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарори навбатдаги муҳим қадамлардан бўлди. Мазкур ҳужжат доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хонанда, рассом, адабиётшунос, актёр, шоир ва ёзувчи сифатида элу юрт ҳурматини қозонган. Ўзбек халқ қўшиқлари, ўзи яратган айтимларни турли жанрларда куйлашдан ташқари, хориж шлягерларини ўша тилларда маромига етказиб ижро қилган. Бу борада санъаткорга бир қатор чет тилларини мукаммал даражада билиши қўл келган.

Хонанда 1956 йил ўзи ташкил этган “Ёшлик” ансамблида фаолият олиб боради. Унинг соҳир овозини бир бор эшитган одам, албатта, маҳлиё бўлиб қолар, қўшиқларига ўзгача меҳр қўяр эди. Бу эса унинг қалбларни ларзага солувчи бетакрор овози билан боғлиқ.

Ботир Зокиров Москва шаҳрида 1957 йилда бўлиб ўтган халқаро ёшлар ва талабалар фестивалида “Араб тангоси” қўшиғи билан қатнашиб, катта муваффақият қозонганини ёши улуғ юртдошларимиз ҳали-ҳануз яхши эслашади. Ҳақиқатан ҳам, бу ажойиб воқеа бўлганди. Гап шундаки, пластинкага туширилган бу қўшиқ яшин тезлигида дунё бўйлаб тарқалиб кетади ҳамда миллионлаб қалбларни забт этади.

Бетакрор санъаткор 1972 йили Тошкент шаҳрида Шарқдаги илк Мюзик-холл (варьете)ни яратиб, уни бошқарган, унинг режиссёри, бадиий раҳбари ва етакчи хонандаси бўлган. Эътиборлиси, у Шарқ фольклорини замонавий эстрадага уйғунлаштира олган эди.

Ёшлигидан оғир бетоб бўлган ва гўёки оз муддат ичида ўз мақсадларини бажаришга улгуришга шошгандек таассурот қолдирадиган бу иқтидор эгаси 1985 йил 23 январь куни вафот этади. У Чиғатой қабристонида мангу қўним топган.

Ботир Зокиров мустақиллик йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

Ижодкорнинг доимий равишда қоралаб борган кундаликлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

*“Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади...*

*Ўша куни мен Тошкент давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Ўша дақиқаларда мен саҳнада туриб ҳассос ва талабчан тингловчилар қаршисида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим куйлашим биланоқ тумандай тарқаб кетди”.*

15 январь: *“Афсус! Операцияни жумага қолдиришди. Салом, яна бир кўнгилсизлик! Кечаги рентген сурати ёмон чиқибди. Қимирламай ётишимни қаттиқ тайинлашди. Қўшиқни ёзиш эса чиппакка чиқяпти. Тинимсиз машғулотлар ҳайф кетди. Мана, сенга қувонч учун мукофот.*

*Ўпкадаги кичик тешикча катта бўлиб қолибди. Бу сўнгги машғулотлар оқибати. Барибир янги қўшиқни ёзиб ололмаяпмиз. Бунга Икром ака эмас, мен айбдорман. Чунки биз бекорга ҳаяжонландик, хавотирландик. Қўшиқ ёзилмаса майли. Ахир мен нималарни истамайман? Лаънати касал менга бўйсунмайди. Лекин уни ўз ихтиёрига қўймаслигим керак”.*

Хонанда ҳақида замондошлари битган хотиралар ҳам диққатга сазовор. Масалан, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Насиба Абдуллаева шундай эслайди: “Ботир ака билан танишувимиз тасодифий бўлган, буни тақдирнинг менга бир мукофоти ҳам дейиш мумкин. Тақдир инъомини қаранг, 1980 йилда Тошкентда бўлиб ўтадиган Озарбайжон маданияти ва санъати кунлари якунига бағишланган концерт дастурига мениям таклиф этишди. Бундан шунчалик севиндимки, таърифлашим қийин. Ахир бу палла қўшиқларни тинглаб, тимсолли қилиб айтганда, қўшиқларни ҳидлаб тўймайдиган ёшлик даврим эди-да.

Шундай қилиб, Тошкентга келдик. Бу ерда концертга тайёрландик. Мен икки озарча қўшиқ айтишим керак эди, кейин режа ўзгариб, битта айтадиган бўлдим. Битта қўшиқ бўлсаям, қаттиқ тайёргарлик кўришга тўғри келди...

Шу кунлардан бирида зал эшиги

қия очилиб, кимдир кузатаётганини ҳис этдим. Бир зумга ўша ёққа кўз ташладим, кейин турган жойимда қотиб қолдим. Чунки мени кузатаётган буюк санъаткор — Ботир аканинг ўзи эди. Бир ёқдан концерт масъулияти, иккинчи ёқдан Ботир аканинг сусти босиб, қотиб қолдим...”

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокирова хотиралари янада қизиқарли: “Ботир ака билан биринчи марта учрашганимиз ғалати бўлган. Жамшид акам билан турмуш қуришга қарор қилган пайтимизда уйимизга Ботир ака совчи бўлиб келди, ана шунда у кишини биринчи марта кўрганман.

Ҳалиям эсимда, отам раҳматлига совчи келиши айтилгандию, аммо ким келиши айтилмаганди. Ботир акани кўриб, отам қаттиқ ҳаяжонланган. Шу ҳаяжон ва ҳайрат билан: “Вой, вой, уйга ким келди, Ботир Зокиров келдими? Ботиржон, ўзингизмисиз, ростдан ҳам ўзингизми?” деганлари ҳалиям ёдимда.

Ботир ака кулиб туриб: “Ассалому алайкум, Акмал ака!” деди. Бундан отамнинг ҳаяжони янаям ошди: “Менинг исмимниям биласизми, исмимни ким айтди сизга?” деди.

Ботир ака: “Албатта, биламан, Гавҳар деган қизингиз борлигиниям биламан” деди.

Салом-аликдан кейин Ботир ака отамга: “Гавҳархон менинг укам билан бирга институтда ўқийди. Мен совчи бўлиб келдим” деди.

Отам: “Э, қизим актриса бўламан, деяптими?” деб янаям ҳаяжонланди.

Ботир ака: “Ҳа, шу, отам рози бўлмайди, деб бекитишган эди, бундан аёлингизнинг хабари бор. Жамшид деган яхши укам бор, булар иккиси оила қуришга аҳд қилишибди, мана, совчиликка, қулчиликка келдим” деди.

Отам ўшанда Карим Зокировдек одам билан қуда бўламанми, деб роса суюнганди...”

**Хонанда ҳақидаги қизиқарли фактлар:**

- *Ботир Зокиров 23 ёшида машҳурликка эришиб бўлган. “Араб тангоси” номи билан танилган қўшиқ уни кўпгина давлатларда машҳур қилган, таъбир жоиз бўлса, бу унинг “ташриф қоғози”га айланган эди.*
- *Хонанда 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган.*
- *У Париждаги “Олимпия” номли нуфузли концерт залида қўшиқ ижро этган ягона ўзбекистонлик хонандадир.*
- *Буюк истеъдод эгаси 20 йил давомида битта ўпкаси билан қўшиқ айтган.*

Дарҳақиқат, санъатимизнинг сўнмас юлдузи Ботир Зокиров қалбларда ва ўзи томонидан суйиб ижро этилган қўшиқларида барҳаёт. Бундай барҳаётлик ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### Аёллар ва гендер тенглик

*Пойтахтимизда “Аёллар етакчилигини рағбатлантириш” мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.*

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирда аёллар етакчилигини тарғиб қилиш борасида халқаро ҳамда миллий экспертлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Улар дунёнинг турли минтақаларида етакчилик ролларини эгаллашда аёллар дуч келадиган асосий муаммо ва қийинчиликларни таҳлил этган ҳолда, бу борадаги энг мақбул ечимларни илгари суришди.

### Талабалар учун замонавий лаборатория

*“Иссиқлик электр станциялари” АЖ Тошкент давлат техника университети билан ўзаро ҳамкорликда ушбу таълим масканининг иссиқлик энергетикаси факультети Саноат иссиқлик энергетикаси кафедрасида “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ўқув лабораториясини очди.*

Унинг очилиш маросимида қайд этилганидек, ўқув-лаборатория хонасидаги мавжуд энергоқурилманинг макети тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Талабаларга қулайлик яратиш мақсадида хона интерфаол доска ва совиткич билан жиҳозланган.

### Жомбойда «CCI» заводи очилди

*Самарқандда ишлаб чиқариш корхоналари сони яна биттага ошди. Гап шундаки, “Ургут” эркин иқтисодий зонаси учун Жомбой туманида ажратилган ҳудудда “Coca-Cola” ичимлиги ишлаб чиқарувчи “CCI” заводи бунёд этилди.*




Қисқа вақт — ўн ойда 18,5 гектар майдонда қурилган заводнинг умумий лойиҳа қиймати 112 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу маблағнинг 100 миллион доллари хорижий инвестиция ҳисобланади. Йилига 280 миллион литр ичимлик ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 200 та иш ўрни яратилди. Маҳсулот ички бозорга чиқарилиши ҳамда МДҲ мамлакатларига экспорт қилиниши кўзда тутилган.

### Ёшлар етакчилари тажриба оширмоқда

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Ёшлар оромгоҳида Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги маҳаллаларда фаолият олиб бораётган 200 дан ортиқ ёшлар етакчиси иштирокида амалий семинар ўтказилмоқда.*

Семинар ишида ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий қилиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этишда етакчиларнинг вазифаларини белгилаб олишга эътибор қаратилаётир.

Якунда ёшлар етакчиларидан захира кадрларни шакллантириш ҳам режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

---

## Онажоним, табиат

# Сарчашманинг зилол чашмалари

*Бу қишлоқ Шаҳрисабз туманининг олис ва тоғли ҳудудларидан бири ҳисобланади. Туман марказидан 70 километр узоқликда, Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган сўлим маскан ўзининг бетакрор табиати, зилол чашмалари, анъана ва қадриятлари билан тилга тушган.*

Сарчашмага бориш учун Мираки шаҳарчасидан сўнг “Ҳисорак” сув омбори, кейин Оқсув дарёси бўйлаб анча машаққатли тоғ йўлини босиб ўтиш керак. Ёғин-сочинли кунларда эса бу йўллардан “Нива”, “УАЗ” ва бошқа шу каби махсус машиналарсиз ҳаракатланиш деярли имконсиз.

— Авваллари қишлоғимиз қиш фаслида ташқи дунёдан узилиб қоларди, — дейди “Сарчашма” МФЙ ёшлар етакчиси Жўрабек Чоршанбиев. — Бироқ сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг фаровон турмуш тарзини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар бизнинг чекка қишлоғимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўтган йили маҳалламизга келадиган йўлнинг асосий қисмига асфальт қоплама ётқизилди, айни пайтда тўрт километр атрофида носоз йўл қолган. Кунлар исиши билан бу йўл ҳам тузатилгач, ҳар қандай автомобилда ҳаракатланиш мумкин бўлади.

Маҳаллада бугунги кунда 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳудудда иккита давлат мактабгача таълим муассасаси, битта мактаб бор. Ўқувчиларнинг аксарияти мактабга сўқмоқ йўллар оша узоқ масофа босиб келади. Бироқ қийин шароитга қарамай ўқувчиларда илм олишга бўлган қизиқиш кучли.

— Шу вақтга қадар қишлоғимиздан бир академик, бир профессор, ўн нафар фан номзоди етишиб чиққан, — дейди маҳалладаги 57-мактаб директори Абдуваҳоб Бердиев. — Шунингдек, республикамизнинг турли ҳудудларида масъул лавозимларда ишлаётган қишлоқдошларимиз кўп. Уларнинг муваффақияти ёшларимизга доимо шижоат бағишлайди. Ўқувчиларимизда илм олишга, ота-оналарда фарзандини ўқитишга интилиш кучли.

Қишлоқ одамларининг айтишича, бу ерда қиш октябрдан бошланиб, олти ойдан ошиқ давом этади. Апрелнинг ўрталарига келиб совуқ ҳаво чекина бошлагач, барча хонадонлар дарҳол томорқа ерларига экин экишга киришади. Кўпчилик картошка етиштиришнинг ҳадисини олган. Аҳолининг асосий даромад манбаи ҳам картошкачилик ҳисобидан. Шунингдек, сўнгги йилларда сарчашмаликлар боғдорчиликда ҳам мақтанса арзигулик натижаларга эришмоқда.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# ЗОМИНДА МАҚОМ САДОЛАРИ ЯНГРАЙДИ

*Шу йилнинг 27 — 30 июнь кунлари Зомин туманида Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан санъаткорлар қатнашади.*

## Тараддуд

Маълумки, 2019 йил 26 февралда “II халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармойиши қабул қилинган эди. Унга кўра Халқаро мақом санъати анжуманини иккинчи марта 2020 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг таклифи маъқулланган, бироқ пандемия туфайли мазкур анжуманни ўтказиш бошқа муддатга қолдирилганди.

Шундай қилиб энди анжуманга ўзининг сўлим табиати билан машҳур бўлган Зомин тумани мезбонлик қиладиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Халқаро мақом санъати анжумани илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2018 йили Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган.

**Саид ДОНИШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

## Қарор ва ижро

# Ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетиклик манбаи

*Мамлакатимизда ёш авлод — келажагимиз бунёдкорларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.*

Президентимизнинг 2022 йил 20 июндаги “Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида аҳоли ўртасида дзюдонинг олимпия спорт тури сифатида оммавийлигини ошириш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш, миллий терма жамоаларнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар давом этмоқда.

Мазкур қарорда мактабгача таълим муассасаларида “Мактабгача дзюдо” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Нукус шаҳрида 2022 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган 120 ўринли 60-мактабгача таълим муассасасида “Мактабгача дзюдо” тўгараги ташкил этилган бўлиб, унда етакчи мураббийлар фаолият олиб бормоқда. Асосий мақсад болаларда спортнинг дзюдо турига қизиқишини ошириш ҳамда жанг санъатининг ушбу тури бўйича бошланғич кўникмаларни шакллантиришдан иборат.



Аслида ҳам, кимки спортга ошно бўлса, ўз саломатлиги учун доимо қайғурса, у албатта, соғлом бўлади. Шу боис болажонлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шароитлар яратиш мақсадида муассасада дзюдодан ташқари, гимнастика, шашка, расм чизиш ва бошқа бир неча тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга келиб дзюдо тўгарагида 20 нафар тарбияланувчи мунтазам шуғулланиб келмоқда. Келажакда улар орасидан Осиё, жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқишига ишонамиз.

Дзюдо якка кураш спорт тури оммавийлиги бўйича дунёда футболдан кейинги ўринда бўлиб, илк бор 1964 йили Токиода ўтган XVII ёзги Олимпиада дастурига киритилган эди. Ўшандан бери ҳар тўрт йилда Олимпия ўйинларида дзюдо бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқлаб келинади.

Бугунги кунда дунё бўйича 30 миллиондан зиёд кишилар дзюдо билан профессионал тарзда шуғулланади. Уларнинг 9 миллионга яқини дзюдо ватани — Японияда истиқомат қилади. Икки юзга яқин давлатлар Халқаро дзюдо федерацияси (IJF)нинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, дзюдочиларимизнинг турли нуфузли мусобақаларда эришаётган улкан натижаларининг мақтанса арзигулик салмоғи бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон спорт делегациясига илк медални ҳам айнан дзюдочиларимиз тақдим этган. “Атланта — 96” Олимпиадасида Армен Багдасаров кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, “Пекин — 2008”да Абдулла Тангриев кумуш, 2008, 2012, 2016 йиллардаги Олимпиада ўйинларида Ришод Собиров учта бронза медалини қўлга киритди. Диёрбек Ўразбоев 2016 йилда Рио Олимпиадасида бронза медалига сазовор бўлди.

Умуман, юртимизда ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топиши, замонавий билимларни эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилган. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар спорт соҳасидаги фаолиятимизни амалга оширишда дастуриламал бўлаётир.

Бу фарзандларимизнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини янада ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, руҳан тетик, иродаси мустаҳкам ҳамда уларнинг онгида ватанпарварлик, юртга садоқат, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

**Венера УТЕШОВА,**
**Нукус шаҳридаги 60-мактабгача таълим муассасаси директори.**

---

**Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида «Жадидлар орзуси» спектакли саҳналаштирилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6